

ТОШКЕНТ

Оқшомчи

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1988 йил 4 июлдан чиқа бошлаган.

№ 92 (6. 581)

1988 йил 21 апрель, пайшанба

Баҳоси 3 тийим

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев 11, 14 ва 18 апрель кунлари иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари билан кенгаш ўтказди.

Партия ташкилотларининг қайта қуришга раҳбарлик юзасидан фаолияти кўриб чиқилди. КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияга тайёргарликнинг бориши тўғрисида батафсил фикрлашув бўлди. Сийсий системани такомиллаштириш зарурлиги билан боғлиқ таклифлар сиёсий системани такомиллаштириш қайта қуриш вазифаларига тўлароқ жавоб бериши соҳага, ҳозирги босқичда унинг сифат жиҳатидан ўзгаришига аниқроқ хизмат қилиши керак.

Кенгаш қатнашчилари қайта қуриш жараёнининг чуқурлаштириш, тўб иқтисодий ислохотни тўла ва изчил амалга ошириш учун собит-қадамлик билан курашиш зарурлигини, халқ истеъмол товарлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уй-жой қурилишини кенгайтиришдек биринчи таъддиги вазифаларни ҳал этиш учун собит-қадамлик билан кураш олиб бориш лозимлигини таъкидлашди.

Кенгашда сўзга чиққан барча кишилар қайта қуриш муваффақияти партиянинг жамият ҳаётини ҳар жиҳатдан демократиялаш, ошқораликни кенгайтириш, партия ички демократиясини ривожлантириш, халқ депутатлари Советларининг ролясини ошириш, бу жараёнга меҳнаткашлар кенг оммасини жалб этишга қаратилган йўлни қатъийат билан амалга ошириш билан ўзаро узвий боғлиқлигини тушунишда яқдид фикр билдирдилар.

(ТАСС).

ЗАМОНДОШИМИЗ



В а к т и к ў п о д а м

У болалигидаёқ аниқ фанларга қизиқди. Айниқса, физика, математикага оид китобларни қўлидан қўймади. Ўқирдию, ҳайратга тушарди: «нисоият тафаккури қанчалар буюк. Оламнинг тубиз сирларини зукколик билан ўрганишга қодир куч».

Ўрта мактабни битираётганда узил-кесил бир қарорга келди: физик бўлиш. Аттестатини қўлга олдию бошқа ҳужжатлари билан қўшиб Владимир Ильич Ленин номидаги Тошкент Давлат университетини физика факультетига тошпирди. Ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб студент номини олиш бахтига эришди.

Энди йўлбўйи курс шундан бўён орадан ўн тўққиз йил ўтди. Шу давр ичидан ўқиниш битирди, уйланди (айтмоқчи Людмила ҳам ижасер), икки фарзандли бўлди. Мана, ўн бир йилдирки, Александр Георгиевич Аракелов «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг автоматик системалар бошқаруви конструкторлик лойиҳалаш бюросида ишлаб қоляпти. Ҳозир бўлиш мундир. У яна конструкторлик лойиҳалаш бюроси аттестация комиссиясининг, халқ контроли группасининг аъзоси ҳамдир. Хуллас, ташвишлар етарли.

— Ҳар бир киши тинмай изланса, ўз вазифасига масъулият билан ёндошса, эртанги кун дарди билан яшаб,

иш юритсагина жаддалаштириш юқори суръатлар билан давом этаверади, — дейди А. Аракелов. — Бошқаларнинг меҳнатини баҳоламоқ учун аттестация комиссиясининг аъзоси ишчан, етук билимдон, ҳар соҳада урпақ бўлмоғи лозим. Акс ҳолда қайта қуриш куруқ гапга айланиб қолади. Халқ контроли группасининг аъзоси ҳам аввало ўзи ҳалол бўлиши шарт. Йўқса, «Олдин ўзингн бил» деб қайриб ташловчилар топилади. Энг ёмон уни бошқалар менсимай қўяди, гапининг таъсири бўлмайди. Бунга назоратчи доим ёнда сақлашни даркор. Темир интизомга, ишга янгича муносабатга аввало ўзи амал қилсин.

Замондошимиз — Александр Георгиевич шундай етакчилардан. Унинг кундалик ташвишлари жуда кўп, лекин ҳаммасига улғуради. У ишхона, жамоат юмушларидан ташқари яна қизлари — Ирина ва Катя билан шугулланишга ҳам вақт топади.

— Кишида истак бўлса, — дейди у кулди, — ҳаммасига улғуради. Фақат дағвога ва қотиб қолган одамгина ҳеч нарсасига улғурамайди. Улар рус аълоғи А. П. Чехов айтганки «Вақтинг кам бўлишини истасанг, ҳеч нима қилма» деб. Меннинг эса вақтим кўп.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

СУРАТДА: А. Аракелов.

Т. Қаримов фотоси.



Эртага — пролетариат дохйиси В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллиги нишонланадиган кунда республикамиз ёшлари ҳаётида яна бир аjoyиб воқеа бошланади. У Ленин комсомоли ташкил этилганлигининг 70 йиллигига бағишланган Ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари шerryят, халқ қўшқлари

Қардошлиқни куйлаймиз

Газетанинг шу сонига интервью

— Азиз Носирович, Ленин комсомоли тўйига муносабат тайёргарлик қўриш Ўзбекистон комсомол-ёшларининг шарафини ваъзфаси. Шундай эмасми?

— Бу юбилей бепоян мамлакатимиз халқлари ва комсомол ёшлари ҳаётида чиндан ҳам улкан тўйдир. Ўзбекистон комсомол ёшлари Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб кутиб олиш мақсадида ғайрат-шиқоат кўрсатиб меҳнат совғаларини ҳозирлашмоқда. Комсомолнинг 70 йиллиги юбилейи йилида чинакамига меҳнат жасоратини кўрсатиш, турмушининг ҳамма соҳаларида намунали бўлиш, Ленин ва партия бизга берган халқлар дўстлигининг мустаҳкам эканлигини яна бир бор намойиш этиш ва бу қўдратли кучни баралла қўйлашдир. Бу юбилей йилида Ленин комсомоли босиб ўтган шонли йўлни улуғловчи, турли миллатли совет ёшларининг дўстлигини шарафловчи жуда кўп тадбирлар ўтказилади.

— Эртага Тошкентда бошланаётган ёшлар фестивали серкўш дийриниз бўйлаб давом этади. Шу фестиваль учун бу масканнинг танлалиши боиси нимада?

— Ўзбекистон комсомоли ҳам ўзига хос бой шонли йўлни босиб ўтган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аjoyиб комсомолларимиз бутунги бахтимиз учун матонат билан курашганлар. Тарих саҳифаларидан бунга қўлаб мисоллар келтириш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон комсомол йигит ва қизлари турли миллат халқларининг вакиллари. Ўзбеклар рус, украин, қрим татар, арман, озарбайжон, молдаван, корейс, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз биродарлари билан бир оиланинг фарзандларидек тотув яшамоқдалар.

Эртага Тошкентда бошланадиган дўстлик фестивали чиндан ҳам қардошлиқимизнинг катта намойишига айланади.

— Фестивални ўтказишдан асосий мақсад нималардан иборат?

— Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети ВЛКСМ Марказий Комитети ва иттифоқчи республикалар комсомолларининг Марказий Комитетларига ана шундай фестивални вақти-вақти билан ўтказиб туриш таклифи билан мурожаат қилди.

Бу аввало чинакам ватанпарварлик намунаси бўлиб биринчи навбатда маънавий бойлигимизни турли миллат халқлари даврасида баҳам қўришдир. Ўз-ўзидан маълумки, бундай фестиваллар давомида халқ ижодийетини янада тараққий эттириш масалалари яққол намоён бўлади.

— Фестивал республикамизнинг қайси шаҳарлари бўйлаб ўтади?

— Фестивал қатнашчилари тушган маҳсул поезд эртага Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон шаҳарлари бўйлаб йўл олади. У концерт залларида ва оқиқ саҳналарда, маданият саройлари ва уйларида, ҳатто болалар уйларида ҳам давом этади. Адабий кечалар ташкил этилади, бахслар ўтказилади. «Қардош маданиятларининг бир-бири билан янада яқинлашувида ижодкор ёш эъилларнинг аҳамияти» мавзусида шоирлар ва ёзувчилар кенгаши ташкил этилади.

— Фестивалнинг очилишига қандай тайёргарлик қўрилоқ?

— Бу фестивал эртага пойтахтимизнинг Тельман номидаги маданият ва истироҳат боғида катта тантана билан очилади. Унда пойтахтдаги барча корхоналарнинг вакиллари, олий ўқув юрталарининг ёшлари, шунингдек Тошкентда таълим олаётган хорижий мамлакатлардан келган йигит ва қизлар ҳам қатнашадилар. Бугун ана шу оромгоҳда фестивалнинг бош репетицияси бўлиб ўтмоқда.

— Дўстлик учрашувига келган меҳмонлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Қардош Тожикистондан келган вакиллар орасида Тожикистон ССР халқ артисти Аъло Алаев бор. У айна чоғда санъат институтининг хореография кафедраси ўқитувачиси. Бундан ташқари тожик шоирларидан Гулбаҳор Мирзаева, Раҳмат Назирий, Сай

ва рақслари 1 фестивалидир. Бу катта маданий тадбирда қатнашмиш учун қардош ўлкаларининг ёшлари вакиллари Тошкентга етиб келдилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетининг биринчи секретари Азиз Носирович НОСИРОВ мухбирига билан сўхбатлади.

дулла Абдуллаев ўз ижодлари билан тенгдошларини таништирилади. Ленинбод шаҳридаги қишлоқ хўжалик институтининг «Умид» фольклор халқ ансамбли программасини томоша қилади.

Қирғизистондан марҳамат қилган меҳмонларимиз орасида студентлар, ишчилар, санъаткорлар бор. Қирғизистон ёзувчилар союзининг аъзоси Маршад Аманов, шоирлар Вера Виноградова, Қиёлбек Ўрмонбетов ва бошқалар қўли олинди. Қирғиз дўстларимиз Ўш областидаги «Тог булоғи» ансамбли коллективини юборишган.

Шунингдек, Ашхободдаги Аман Кекилов номидаги педагогика bilim юртида ишлаб турган «Ешлик» халқ ансамбли концертлари тингловчиларга манзур бўлади. Туркманистонлик дўстларимиз орасида шоирлар, ёзувчилар, студентлар, ўқувчилар, комсомол ходимлари бор. Бундан ташқари Қозғистон дийридан ҳам бир талай дўстларимиз марҳамат қилиши. Уларнинг ота-бизларини тинглаш мароғли бўлади.

Фестивалимизга марҳамат қилган меҳмонлар орасида Афғонистон республикасининг Демократик Ёшлар ташкилоти делегацияси ҳам бор. Уларнинг «Гули Сурх» ансамбли ҳам марҳамат қилган. Бу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш керакики, Совет Иттифоқи, Ўзбекистон ва Афғонистон ёшлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳам йил сайин ривожланиб бормоқда. Ўтган йили Ўзбекистонда бўлиб ўтган Афғонистон ёшлари фестивали унутилмас таассурот қолдирган эди.

— Ёшларнинг дўстлик фестивали Тошкентнинг қайси нуассасаларини қамраб олади?

— Фестивал программаси гоётда раиғбаранг тузилган. Ҳар бир республиканинг вакиллари тенгдошлари ҳузурда меҳмон бўлишлари учун қўлай шароитлар яратишга ҳаракат қилинди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бirlашмаси, 22-болалар уйи, «Чевар» ишлаб чиқариш бirlашмаси фестивал қатнашчиларини кутиб оладилар. Уларда дўстлик учрашувлари ўтказилади. Маданий тадбирларда Ўзбекистоннинг бадий ҳаваскорлик коллективлари билан бирга Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерали Жураев иштирокидаги санъаткорлар ҳам қатнашадилар.

Бу фестивал 28 апрель кун Тошкентда ниҳоясига етади. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида унинг ёпилиш маросими бўлади.

— Ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари ёшларининг фестивали муносабати билан ёшлар ўртасидаги дўстлик алоқалари тўғрисида яна қандай фикр билдиришингиз мумкин?

— Кўп миллатли халқларимиз дўстлиги узоқ ва машаққатли синовлардан бардош билан ўтган. Бу дўстлик ҳеч қандай қалғишлар, йўлдан уришлар олдидан бўйин эгмайди. Бу ҳамшира равои йўлдан қудратли кучдек оидимлаверади. КПСС Марказий Комитетининг шу йил февраль ойида бўлиб ўтган Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, бу дўстлик туфайли оришган маданиятимизнинг ноёб фазилатлари кўп миллатли эканлигини билан чамбарчас боғланиб кетган. Биз ёшлар бу кўп миллатлиликни, қардошлиқни ҳамшира қадрлашимиз лозим. Дўстлигимиз қанчаллик қудратли бўлса, миллий маданиятларимиз ҳам шунчаллик тараққий этаверади. Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимиз даъват этганидек, биз ҳамшира бир-биримизни чўқур ҳурмат қилган, тилимиз, маданиятимиздан баҳраманд бўлган, ҳар биримизнинг тарихимиз ва босиб ўтган йўлларини ҳурмат қилган ва уни ўрганган ҳолда ҳамжиҳатликда яшай-верамиз.

Сўхбатни

А. ПУЛАТОВ ёзиб олди.

Ишончли мулоқот

«Алло... Истагингизни эшитамиз...»

33-57-02
32-55-35

18 апрель кун бўлиб ўтган навабатдаги «Ишончли мулоқот»нинг 18-оқшомонлар газетамизда «Замондошимиз», «Турмуш чорраҳаларида», «Бир асар тарихи» рубрикалари остида берилган «Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Владимир Жонин» билан қилган сўхбат, айниқса, манзур бўлганлигини таъкидлашди. Улар шунингдек айрим истақларини газетамиз саҳифаларида ёритишларини илтимос қилишди.

Мақсуд Сатторов, «Орбита» техник сервис маркази хизматчиси:

— Сувининг ҳаётимизда қенчалик катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожаги бўлмас керак. Шунинг учун Орол тўғрисида ҳар биримиз қайғурмоқдамиз. Ленин, ажабланиш, шунданки мана икки ҳафтадан бери бизнинг уйимизда истикомат илтиҳотлар сувиш ўтиришди. Ювнинг, қир ювнингга эмас, ҳатто кишига ҳам суи йўқ. ЖЭКа чинакас «Водоканал» трестига юкляди, трест эса ЖЭКадагиларга. Тўғрисики айтсам, энди кимга мурожаат этишни ҳам билмай қолдик...

Хосият Узоқова, Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли 21-ётоқхона мудираси:

— «Ётоқхона ўғайми» сарлавҳали мақолани диққат билан ўқиб чиқдим. Ётоқхона ҳақиқатан ҳам тунаш жойигина эмас, балки ўқинишдан қайтган ёки меҳнатдан сўнг мириқиб дам оладиган, бўш вақтини қўнғили ўтказадиган маскан бўлмоғи лозим. Аммо, мени мақолада тилга олинган ётоқхонада яшайдиган йигитларнинг ўларининг иккинчи уйларига нисбатан бўлган бефарқликлари таъжублангандир. Наҳотки бузилган нарсаларни тузатиш ёки ремонт қилиш уларнинг қўлидан келмасе!

Яна шунинг таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, ётоқхоналарда ишловчилар учун ҳеч қандай методик қўлланма йўқ, моёши эса оз.

Мен газетамиз саҳифаларида С. Р. Чинилов районда, Юнусовод массинида яшовчи айрим ҳамшаҳарларимизнинг «ариқлар» ифлоси, «кўчалар тозаланимайди», «ахлатларни олиб кетишмайди», деб шикоят қилганликларини ўқидим. Қизиқ, бу ёриқ ва кўчаларни ким ифлос қилди экан! Қоронғу тушиш билан ахлат челагини дуч келган жойга бўшатиб кетадиган шу ерда яшайдиганларнинг ўзлари эмасми! Нима учун энди редакция ёки бошқа бир ташкилот уларнинг алатини тозалаш керак! Мен бу билан «Автотормоз» базас» тизматчилари «эур ишлашадиган» демакчи эмасман. Бирок халқимизда жомкорлар ҳам ўзи ётган жойини тозалаб ётади деган гап бор...

Саодат Ғофурова, Чилонзор район, 12-квартал, 19-ўй, 28-кварталда истикомат қилади:

— Мени бир неча саволлар қизиқтиради. Биринчидан: пенсия тўғрисидаги янги қонун қандай бўлади, ферзанди касал бўлган ёшларга қандай қўшимча имтиёзлар белгиланган! Иккинчидан: касалхоналарда беморларнинг ҳаётдан кўз юмётгани тўғрисида қатор материаллар берилди. Лекин айбдор врачлар эса ҳайфсан билан кутлиб қолишган. Наҳотки инсон ҳаёти, унинг қадр-қиммати ҳайфсан билан ўлчанса! Ахир 5—10 тийин уриб қолган сотувчи қамалиб кетовчи ҳеч гап эмаску! Бунга газетамиз қандай жавоб қайтараркин, шунини бил-моқчи эдим.

Сиддик Умархўжаев, А. Икромов рай-он, Миронид кўча, 5-ўйда истикомат қилади:

— Бизнинг 6-постга жуда ёмон ишлайди. Газеталарни, шу жумладан «Оқшомни» ҳам 2—3 кун кечикиб оламиз. Бир неча марта айтдик, лекин нафти бўлмади. Бир истақим бор эди: газета саҳифаларида партия турмуши, бошланғич партия

ташкilotларида қайта қуриш қандай бо- раётгани ҳақида ҳикоя қилувчи матери- алларга кўпроқ ўрин берилса.

Малика Саидова, Октябрь районидан 40-мактаб ўқитувачиси:

— «Жинойтнинг боши» лоқейдлик» мақоласи менда катта таассурот қолдир- ди. Жуда яхши ёзилган, ўринли фикр- лар айтилган. Мен уни синф мажлисида ўқувчиларга ўқиб бердим. Шу руҳдаги материалларга кўпроқ берилса.

Нигора Ҳамдамова, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли травматология ва ортопедия илмий-техи- ринш институти касалхонасининг ҳамшира- си:

— Газета жуда яхши, ҳар томонлама демакчи. Аммо назаримда партия конфе- ренциялари тўғрисида берилаётган ма- териаллар жуда куруқ ва зерикарли бў- либ қолмоқда. Қисқароқ ва лўндароқ қи- либ берилса яхши бўларди. Яна бир ил- тимосим: икки йил олдин «Янгибод» массивига 15-маршрутли такси қатнариди, ҳозир негадир олиб ташлашган. Уни қайта тиклаш тўғрисида қилган илтимосла- римиз эса жавобсиз қолмоқда.

Атдам Худойқулов, Тошкент область Ормоникдаге районидан 28-болалар му- зика мактабнинг ўқитувачиси:

— Давлат автономиясини ходимлари- нинг вазирати одалари бор: йўл қондасини бузган ҳайдовчинини «қўлга тушириш» учун негадир улар доимо бир чеккада яшири- либ туришади. Жумладан, тезликни ўл- човчи аппаратлари билан дароҳтарлар ор- қасида ёки пасткамроқ жойга жойла- шишди. Буниси ҳам майли-я, қўлга тушганидан сўнг, талонини олиб, жеримга тўлаб кел, деб кассага жуна- тишади. Бориб келгунча эса у киши жунаб қолади. Қаёққа! Бунини фақат унинг ўзи билади. Шундан кейин «ГАИ» ходими қайдасан», деб поста-пост ёки район ва шаҳар ГАИларига сарсон бўлиб юра- сан. Нима учун улар ҳайдовчиларга нисба- тан бунчалик ҳурматсизлик қиладилар!

Еки қондани бузганимиз учун жерима тўлаганимиз ва талонимиз «етишгани» келми!

241-мактабнинг 9-синф ўқувчилари но- мидан қўнғироқ қилган синглимиз, [у ўз фамилиясининг эълон қилмаслигини илти- мос қилди] шундай деди:

— Бизнинг мактабда ўқувчиларни да- даларининг иш жойига қароб ажратиш- ди. Улар орасида ишчининг боласига, ай- никса, қийин: фанлардан «ўзлаштириш» доимо «орқада». Аммо «ёгли» жойда иш- лайдиганларнинг қизи доскага чимқай ҳам фақат бешга ўқиши мумкин. Мисол учун физикадан ундан сўрамасдан баҳо қў- йишди...

22-поликлиника ҳамшираси Турсуной Икромова ва 241-мактаб ўқитувачиси Тило- ват Соатовалар уй-жой шаронларининг ёмонлиги, ноилжликдан қурилган имо- ратларини планга киритолмай сарсон бўлганликларидан шикоят қилишди.

Республика ёш математиклар мактаби ўқувчиси Шухрат Дехқонов ва 40-мактаб ўқувчиси Умид Ғуломов, ТошДУ студен- ти Шаҳобиддин Қодировлар газетамизда ҳажиллар, ҳандалар, «Малика» тикучилик ишлаб чиқариш бirlашмасининг мото- ристкаси Гурбўстон Ёкубова, 4-мактаб ўқувчиси Нурғиза Холжикова, уй бекаси Замира Турсуновалар одоб-ахлоқ мавзу- даги материалларни қўйиштиришимизни илтимос қилишди. 62-мактаб ўқувчиси Аҳмадхон Сайдалиев, Намангандаги Отазо- нов Исқон Лутфуллаев, уй бекаси Ук- тамова Жалилова, «Ўзгирселих» ин- жинери Гулнора Султоновалар Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Уринбой Нура- лов, Ҳожинакбор Ҳамидов, Юнус ва Ҳа- сан Ражабийлар, биринчи ўзбек опера кў- шқирчиси Абдулҳақ Султонов сингари санъ- аткорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳи- коя қилувчи материаллар ўқиш истагида эканликларини билдиришди. ТошДУ сту- денти Дилшод Тонров эса экологик ма- салаларга эътиборни янада кучейтири- шимизни сўради.

«Ишончли мулоқот» қабулхонасидан:

28 март кун бўлиб ўтган мулоқот- нинг «Ташселих» заводининг ишчи- си Маширабон Усмонова (исоник- ликка қўл қўйилганлиги сабабли улар- нинг фамилияси «Алиева» деб берил- ган экан, бунинг учун уэр сўрайман) редакциямизга қўнғироқ қилиб яшаб турган унинг ёмон аҳолада эканли- ги, уни тузатиш юзасидан қилган му- рожаатни завод маъмурияти ва район ижроия комитети ўртасида сарсон бўлиб юрган ҳақида шикоят қилган эди. Биз бунинг қандай бўлса шундайли- гига газетамизда эълон қилгандик.

18 апрель кунги мулоқотимизда эса М. Усмонова қўнғироқ қилиб: «Мен ҳамма айб район ижроия комитетида,

улар чўзиб, сарсон қилишяпти, деб эзиб бердим» деди. «Нега!» деб сўра- сак «Завод раҳбарлари шунинг талаб қилишди» дея жавоб қайтарди.

Бизда бекитириб шундай савол ту- гилди: қизиқ, эртага район ижроия комитетининг ўқувчиси М. Усмонова- вани чакириб: «Хаммасига завод раҳ- барлари солишмаяпти, деб эзиб бергин» қўлоқ «Мен редакцияга ҳеч нарсаси- га!» деди. «Мен редакцияга бўлмаган гап, ўзларни ўқиб чиқаришган деб эзиб бергин» деган талаб қўйишса Машира- бон нима қиларкинлар!

«Ишончли мулоқот» навабатчиси: Фаррух РАХИМОВ.



ТАСС ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДАН

— БАМАКО. Малик Республи- кански похтайтда «Ленин» ҳамшира байхата мавзунда «ТАСС» фотостанкаси даст- лабни томошабинларини ку- тиб олди. Ўзбекистон В. И. Ленин туғилган кунининг 118 йиллиги- га бағишланди. ТАСС кўрса- таётган юзга яқин рағилар ва оққора рангларга фотосурат- лар жаҳон пролетариати до- хийсининг ҳаёти ва револю- ция фаолияти тўғрисида ҳи- коя қилади. Сувратларини кўп қискам бошлешликлар пар- тия ташкилотчисиининг ўқу- чилик ва ўсирилги йилларига, Шувшиноне кишлоғида сургун этилган даврга тааллуқлидир.

— МАДРИД. Шу ойда Испаниядаги ўрта мактабларнинг муавлимлари «учинчи марта» иш ташладилар. Улар иш ҳа- қи оширилсин, деб талаб қи- лоқлар, маориф ва фан министрлиги бу талабни қон- дидан бош тортаётганли- гига қаршн норозилик бил- дирмоқдалар. Уларнинг фик- рича, берилаётган маош бу- гунги нархнавога тўғри кел- майди. Министрлик векили- нинг айтишича, забастовкалар тутагач ўқитувчилар билан яна музокаралар бошлаб юбори- лади. Муавлимлар музокара бербод бўлса, иш ташлашн давом эттирверсин ниятида эканликларини айтидлар.

